

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**«МЕВА ВА САБЗАВОТЛАРНИ БИРЛАМЧИ ИШЛОВ БЕРИШ,
САКЛАШ ВА КУРИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ» ФАНИДАН**

КУРС ИШИ

Бажарувчи: Йулдашева Х.

Рахбар: Тухтамишев С.

Гулистон 2016 й.

Р Е Ж А

1. Узумни қисқача тарихи ва биологияси
2. КиришУзумни кишмиш навларини етиштириш технологияси
3. Кишмишбоп узум навларини қисқача тавсифи

АННАТАЦИЯ

Хозирги пайтда Республикамизда узумни кишмиш меваларини хар-хил усуллар билан қуритилади. Масалан: Сояки, офтоби, обтўш, штобел ва бошқа усуллар кенг қўлланилиб юқори сифатли жаҳон андозасига тўғри келадиган маҳсулотлар олинмоқда. Ишлаб чиқаришда ҳам кишмиш мевалар экилмоқда. Шунингдек, кейинги йилларда четдан келтирилган ва Республикамиз илмий тадқиқот институтларида яратилган мевалар пайдо бўлди. Бу меваларни хар томонлама ўрганиш, юқори сифатли маҳсулот берадиган кишмишбоп мевалари мажмуасини бойитиш зарурдир.

1. Узумни қисқача тарихи ва биалогияси.

Ўрта осие, хусусан Ўзбекистон узумчилигининг тарихи минг йилларни ўз ичига олади. Бу ерларда ток Искандар Зулқарнай бостириб киришилади, анча илгари эрамизгача 4-асрларда экилгани маълум. Эрамиз бошларида - I-аср юнонликлар Ўрта Осиёга келишларидан аввал токчилик ва виночилик ривожлангани маълум. Айниқса, Фарғона водийсида йирик ер эгалари қўлида катта майдонларида токзорлар бўлиб узум етиштириш ва вино таёрлаш орқали яхши даромад қилинган. Араблар истилоси даврида (8 аср) халқаро алоқалар, Савдо Сотик ишлари анча ривожланган бўлиб, узумчиликка эътибор кучая борган. Ўрта Осиё, жумладан мамлакатимизга Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, шунингдек, айрим араб мамлакатларидан узумнинг янги, айниқса, хўраки ва майизбоп навлари келтирилган.

Ток Ўрта Осиёнинг деярли барча деҳқончилик районларида, айниқса Фарғона ва Зарафшон водийлари, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё воҳалари, Амударёнинг ўнг ва Сўл соҳилларида кўп экилган. Узумчилик саноат аҳамияти даражасига кўтарилган, узум махсулотлари (ишни майиз) атрофидаги яқин шарқ мамлакатлари, шунингдек, Волга бўйи соҳиллари бозорларга ҳам олиб борилган. Ўша даврда экилган узум навларининг хилма-хиллигини, токзорларга ишлов бериш, тупларни парвариш қилишнинг самарали усуллари (ерни куз ва баҳорда ҳайдаш, токни парваришлаш, пархиш қилиш, кесиш, касаллик ва зараркунандаларга қарши турли эритмаларни пуркаш ва токчиликнинг ривожланганлигидан далолат беради. Мўғилларнинг Ўрта Осиёга хужуми 13 аср) қишлоқ хўжалигига катта талофат етказди. Айниқса Зарафшон, Марв, Хоразм воҳаларида суғориш тармоқлари бузиб ташланди, деҳқончилик ерлари, боғ ва токзорлар пайхон қилинди. Бунинг таъсири анча йил давом этди. Фақат 15 асрга келиб токчиликка эътибор кучая бошлади. Кейинчалик ислом дини (айниқса Бухоро амирлиги, Хоразм, Қўқон хонликлари даврида), шариат ҳукми талабларига кўра вино таёрлаш ва уни ичиш тақиқланган бўлиб, узумнинг фақат хўраки ва майизбоп навларини кўпайтиришга аҳамият берилди.

Шундай бўлсада узумнинг фақат “Бахтиёрий, Обаки, Буваки,” “Вассарға” каби истеъомол учун яхши ҳисобланган навлари сақлаб қолинган. Мусаллас тайёрлаш эса анча чекланган. Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши, рус давлати билан савдо-сотик алоқаларининг ривожланиши натижасида юртимиздан ҳам Россиянинг марказий бозорларида хўраки узум, майиз, шини каби махсулотларга бўлган талаб ошди, узумчилик ҳамда виночилик аста-секин ривожлана бошлади. Узумнинг винобоп навлари (асосан Қирим), Молдава, Кавказorti ва бошқа жойлардан келтирилиб экилди. Туркистонга Россиядан узумчилик ва виночилик сохалари бўйича олим ва мутахасислар кела бошлади.

1924 йилдан бошлаб токчилик ва виночиликни ривожлантиришга эътибор янада кучаяди. Боғдорчилик ва узумчилик хўжаликлари сони кўпайди, виночилик саноати учун хомашё сифатида винобоп узум навларининг салмоғи ошди, узум навлари таркиби тартибга солина бошлади, бир қисм токзорлар сўрилар (симбағазлар)га кўтарилиб, ток қатор ораларини механизатсия ёрдамида ишлаш, ток парваришини яхшилаш, ҳосилдорликни кўпайтириш имкониятлари пайдо бўлади. Кейинчалик Ўзбекистонда токчиликни ихтисослаштиришга аҳамият берилиб, махсус узумчилик хўжаликлари тузишга, уларда хўраки, кишмишбоп ҳамда винобоп навлари алоҳида технология асосида етиштиришга, узумни қайта ишлаш қувватини оширишга эътибор қаратилди. Аммо, шунга қарамасдан республикада пахта якка-хокимлиги узумчиликнинг жадал ривожланишга салбий таъсир кўрсатди. Айниқса, собиқ иттифоқ даврида ичкиликбозликка қарши кураш бошланган йиллида (1985-1986) Ўзбекистонда ҳам винобоп навлар экилган кўплаб токзорлар йўқ қилинди, узумни қайта ишлаш пунктлари барҳам топди. Натижада республиканинг қатор районларида саноат аҳамиятига эга бўлган узумчилик ва виночилик тармоқлари жиддий зарар кўрди.

Ҳозирги даврда республикада токзорлар майдонини кўпайтириш, ҳосилдорликни ошириш, узумни қайта ишлаш қувватини кўтариш, жаҳон

бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни етиштириш каби масалаларга катта эътибор берилмоқда. (Темурод Ш.2002)

Дунё бўйича ҳар йили ўртача 1 млн.тонна майиз тайёрланади. Бу борада Туркия (36 минг т.), АҚШ (калифорния штати, 34 минг т) етакчи ўринда туради, Эрон, Греция, Австралия, Афғонистон, Чили, Жанубий Африка Республикаси каби мамлакатларда ҳам сифатли майиз етиштирилади. Майизни экспорт қилиш бўйича дунёда Туркия (17,3 минг т) АҚШ (Калифорния штати, 12,3 минг т) олдинда туради.

Майизнинг энг кўпи Германия, Канада, Япония, Франция,Италия, Белгия каби давлатларга экспорт қилинади.

Ток биологик хусусиятларига кўра иссиқсевар, чирмашиб ўсувчи кўп йиллик гулли ўсимлик. Юқорида айтилганидек, токдошлар оиласи-vivacious нинг ҳозирги замон вакиллари минг йилларни ўз ичига олган мураккаб эволюцион даврни (ирсий ўзгарувчанлик, яшаш учун кураш, танлаш, ташқи муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига мослашиш ва ҳ.к) ўтади. Токдошлар авлодининг дастлабки вакиллари тик ўсувчи бута шаклида бўлиб, улар моноподилар (оддий) типда ўсиб жингалаклар бўлмаган. Очик жойларда ўсганлиги туфайли уларнинг ёруғликка бўлган талаби ҳам орта борган. Кейинчалик қалин тропик ўрмонлар пайдо бўла бошлаши сабабли токдошларнинг авлодлари бутунлай йўқолиб кетиш хавфи остида, ёки бўлмаса улар ўсаётган жойларнинг ташқ муҳит шароитларига мослашишига мажбур ҳолатда бўлган. Натижада уларнинг тузилиши, ўсиши, ривожланишида ўзгаришлар содир бўлиб, токнинг ҳозирги мавжуд ҳаётий шакллари шаклланган.(Рыбоков А.А. 1960)

Охир –оқибат ток зарур морфологик, физиологик ҳамда биокимёвий хусусиятларга эга бўлиб, дарахтсимон лиана (чирмашиб ўсувчи) шаклга айланган. Ток суянчиқсиз тик ҳолатда ўса олмаслиги туфайли уларга ўрмон дарахтлари суянчиқ вазифасини ўтаган. Токнинг характерли хусусиятларидан бири, унинг ёруғликка интилиб жингалаклари ёрдамида бирон бир суянчиққа тирмашиб тепа томон ўсишидир. Ўсиш кучининг

юқорилиги сабабли (новдалари бир суткада 10см.гача ўсиши мумкин) токнинг пояси, катта барг сатҳи дарахт тепасида жойлашган. Токнинг яна бир биологик хусусияти ундаги қутблектдир. Бўйлама (тик) энланма (ясси) ёки горизонтал қутбликлар бўлади.

Бўйлама қутблик деганда навдаларнинг бўйига жадал ўсиши тушунилади. Баҳорда энг аввал ўтган йилги навдаларнинг учки қисмидаги куртаклардан навдалар тез ўсиб ривожланади. Аммо бундай кўринишдаги қутбликни новдаланинг кесиш, эгиб боғлаш каби агротехника усуллари билан тартибга солиб туриш зарур. Акс ҳолда учки новдалар ўсиб кетиб, ток тупининг шаклига, ер устки қисмлари пастки куртакларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бўйлама қутбликнинг баъзан бошқа шакллари ҳам пайдо бўлиши мумкин. Маслан, новдаларнинг устки қисмига нисбатан пастки қисмида қадок (каллюс)нинг эртароқ пайдо бўлиши (айниқса, қадок новдаларнинг кияроқ кесилган ўткир қисмида тўмтоқ қисмига қараганда тезроқ ҳосил бўлиши).

Энлама (ясси) қутблик ёки дорзивентллик токнинг барча органларига таалуқли бўлиб, органларнинг ассиметрик, тухумсимон думалоқ шалда тузилишига, новдаларнинг ўсиши жараёнида ясси ва новсимон томонлари ўзаро таъсирининг ёруғликдан кўпроқ фойдаланишга имкон туғдиради.

Энлама (кўндаланг) қутблик таъсирида новданинг орқа томони тезроқ ушиб учи яшил новда букилган шаклга киради. Бу эса ўсувчи учки нозик новдани зарарланишидан сақлайди. Новда қанчалик жадал ўсса унинг учи шунча букилган бўлади.

Ток томонидан сув ва минерал моддаларнинг яхши ўзлаштирилишига ўсимликдаги айнақса, илдиз сўриш кучини юқорилиги шунингдек, транспирация ва босим туфайли содир бўлади. Ўсимликнинг сув ва озик моддалар билан таъминланишида, ассимиляция маҳсулотларнинг ҳақат тезлигини оширишда ўтказувчи тўқималар муҳим аҳамиятга эга. Улар туфайлигина токнинг барча қисмлари жадал ўсиб ривожланади, ҳосил пайдо бўлиши имконияти туғилади. Ўсимлик яшил қисмларида физиологик

жараёнлари, айниқса фотосинтезнинг жадал кечиши органик моддалар, хусусан мевада қанд моддасининг кўпроқ тўпланишида муҳим рол ўйнайди. Токнинг поя қисмидаги механик тўқималар суст ривожланганлиги сабали жингалаклари ёрдамида суянчиқда ўсган ток поясининг оғирлик кучи катта бўлмайди.

Шунингдек, поя оғирлигининг камайишига ўзак тўқималарнинг пўкаклаши, устки пўстлоқ қисмининг вақти-вақти билан қуриб қовжираши, поя тўқималарининг ғовақлиги ҳам таъсир кўрастади.

Ток илдизи бақувват бўлиб, у ўзида кўп миқдорда озик моддаларни тўплаш хусусиятига эга. Бу эса ўз навбатида ток ер устки қисмини зарур озик моддалар билан таъминлаб, айниқса, ўсиб ривожланиши шикасланган поя қисмининг тезроқ тикланишига имкон беради. Токда бошқа мевали ўсимликлар каби ҳосилл берувчи махсус шохчалар бўлмай, ўсиш ҳамда ҳосил бериш жараёнлари фақат битта орган ҳосил берувчи новда томонидан содир бўлади.

Ток юқори даражада каллюс ва илдиз ҳосил қилиш хусусиятига эга. Шунинг учун уни вегетатив усулда кўпайтириш қулай. Токнинг айрим қисмлари ва уларда кечадиган жараёнлар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд.

Масалан, илдиз тизими билан ер устки қисми ўсиш ва ҳосил бериш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик. Шунинг учун агротехника усуллари (токзор қатор ораларини ҳайдаш, тупроққа ишлов бериш, хомток, ток кесиш ўтказишда буни эътиборга олиш зарур. Токнинг юқорида қайд қилинган ва бошқа бир қатор биологик хусусиятларини билиш, унинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил бериш жараёнини бошқариш учун имкон туғдиради. Бу келажакда мўл ва сифатли ҳосил етиштиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Ток ўстириш тизимида токка шакл бериш, уни кесиш, хоток, чакана қилиш, озуклантириш, суғориш каби агротехника тартибларини ўз вақтида сифатли ўтказишини тартибга солишда катта ёрдам беради.

Ток тузилишига кўра вегетатив ва генератив органларга бўлинади.

Вегетатив органларга илдиз, поя, барг, куртак, жингалак кириб, уларнинг ўсимлик ҳаётини таъминлашда аҳамияти катта.

Улар орқали сув ва озиқ моддалар ўзлаштирилади ҳаракат қилади, фотосинтез, транспиратция нафас олиш каби муҳим жараёнлар кечади. Шунингдек улар ўсиш, поя қисмлари орқали вегетатив кўпайиш вазифаларини ҳам бажаради.

Генератив (репродуктив) органларга тупгул, гул, шингил, ғужум ва уруғлар киради. Улар орқали жинсий кўпайиш содир бўлади. Генератив органлар мева пишгач ривожланишдан тўхтади. Ток бошқа ўсимликлар каби тузилишига кўра ер ости, илдиз ва илдиз тузилиш ҳамда ер устки, поя қисмларидан ташкил топади. (Арутюнян.С.А.1983)

2.Узумни кишмиш навларини етиштириш технологияси.

Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароитлари, ўсимлик ўсув даврининг бу ерда узумнинг турли муддатларда пишадиган серҳосил ва сифатли ҳўраки навларини етиштириш имконини беради.

Ўрта Осиё республикалари, хусусан Ўзбекистонда ҳўраки нав узумларни етиштиришга қадимдан эътибор берилган. Айниқса, Ўрта Осиёнинг араблар томонидан истило қилиниши (VIII аср) ҳамда ислом динининг кучайиши вино қилинадиган навларнинг экилмаслигига, ҳўраки ва кишмишбоп навларни кўпроқ етиштиришга сабаб бўлади. Ўрта Осиё халқларининг бошқа мамлакатлар билан савдо алоқаларининг ривожланиши ҳам у ерлардан янги ҳўраки ва кишмишбоп навларнинг кириб келишига туртки бўлади. Масалан, Ўзбекистонда кенг тарқалган Тойифи, Мускат Александрский, Хусуйин, Ававиядан, Карабурну, Туркиядан, Сохиб, Оқ кишмиш, Эрондан Асл қора Доғистондан, кульджинский Хитой (Ғулжа)дан келтирилган (Джавокаянц Ю., Горбач В 2001).

Ўзбекистонда етиштириладиган хўраки узум навлари ўзларининг узум бошлари ва ғужумларининг йириклиги, серэтлиги, сершира ва хуштаъмлиги каби кўрсаткичлари билан ажралиб туради. Аммо, уларнинг тоқзорларда турли навлар билан аралаштириб экилиши мақадга мувофиқ жойлаштирилмаганлиги хўраки узумчилик билан шуғулланадиган хўжаликларнинг алоҳида ташкил этилмаганлиги натижасида хўраки узумчилик ҳали талаб даражасида эмас.

Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан бу соҳага жиддий эътибор берилиб, илмий муассасалар, олимлар, селекционерлар томонидан хўраки узумнинг бир қатор яхши навлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Аммо шунга қарамасдан ҳали ҳануз анча эрта пишадиган, серҳосил, ширадор, ғужумлари йирик ва уруғсиз, айниқса, совуққа, қурғоқчиликка, касаллик ва зараркунадаларга чидамли, қишда яхши сақланадиган навларга эҳтиёж катта.

Етиштириладиган ялпи ҳосил ҳамда истеъмол қилиш бўйича хўраки узум дунёда олма, нок, шафтоли ҳамда цитрус меваларидан кейин биринчи ўринда туради. Узум ва вино бўйича халқаро ташкилот МОВВ нинг дунё бўйича ўртача 7 млн. тонна хўраки узум етиштирилади. Бу борада Италия, АҚШ (калифорния штати), Чили, Бразилия, Испания, Греция, Япония, Сирия, Ғонистон, Жанубий Африка республика каби мамлакатлар олдинда туради.

Дунё бозорида хўраки узумлар, асосан сифат кўрсаткичларига қараб баҳоланади. Айниқса узум бошлари катта, ғужумлари йирик, уруғсиз, кўркам, ширадор, хушбўй навлар жуда қадрланади.

Узумнинг хўраки навларига қуйидаги асосий талаблар:

- узум бошлари ва ғужумларининг йириклиги ва кўркамлиги;
- узум бошларининг ўртача зичликда бўлиши ва тараларга ғужумлари билан эркин жойлашиши;
- ғужумларнинг этдор, қарсиллайдиган ҳамда миёрида сувли, хуш таъм бўлиши;

- транспортбоплиги, мева бандларининг мустаҳкамлиги;
- сақлашга чидамлилиги;
- ғужумларнинг мумкин қадар уруғсиз ва ҳушбўй таъмга эга бўлиши.

Кейинги вақтларда экологик тоза маҳсулотларга бўлган талаб ошиши билан, хўраки узумларнинг юқори сифатли, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилигига ҳам эътибор кучаяди. Бу эса, токзорларда кимёвий моддаларни ишлатишга иложи борча барҳам бериш, ташқи муҳитни ифлосланишидан сақлаш, инсон саломатлигини муҳофиза қилишда муҳим аҳамият касб этади. Шунга ўлароқ янги етиштирилган ва четдан келтирилган узумнинг хўраки навлари касаллик ва зараркунандаларга, совукка чидамлилиги, ўсиш кучининг мўътадиллиги, парвариши қулайлиги каби хусусиятларга эга бўлмоғи лозим.

Дунё бозорида, айниқса уруғсиз ва ҳушбўй узум навлари юқори баҳоланади. Ҳозирда селекционерлар шундай хусусиятларга эга бўлган хўраки узум навларини яратишга аҳамият бераяптилар. Булардан ташқари, хўраки узумларнинг сифати улар таркибидаги қанд моддалари ва кислоталилик даражасига қараб ҳам баҳоланади (шираси кўп, кислоталилиги кам бўлиши лозим) (Темуров Ш. 2002).

Хўраки узумлардан, асосан етиштирилаётган жойларнинг ўзида истеъмол қилиш, узум етиштирилмайдиган бошқа жойларга олиб бориш, қиш даврида совитгичларда сақлаш мақсадида фойдаланилади.

Кишмиш узум навлари туп ва новдаларнинг кучли ўсиши билан ажралиб туради. Шунинг учун токзорларни барпо қилишда маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитлари, навларнинг хўжалик-биологик хусусиятларини инобатга олиш ва шунга хос агротехника тадбирини қўллаш зарур. Ер ости сувлари камида 2-3 метр чуқурликда бўлган, унумдор сув билан таъминланган текис ерлар шунингдек, тоғ ёнбағирларининг жанубий-ғарбий томонлари, тош-ғарбий томонларидан чуқур бўлган ерлар кишмиш узум навларини етиштириш учун қулай ҳисобланади.

Чириндига бой, намлик керагидан кўп бўлган тупроқларда кишмиш нав узумлардан мўл ҳосил олиш мумкин, аммо унинг транспортбоплиги кам бўлиб, қишда яхши сақланмайди. Азотли уруғларнинг керагидан ортик берилиши ҳам узум сафатига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун токзорларни азот керакли вақтдагина озиқлантириш зарур.

Кишмиш узумларнинг ҳосилдорлиги ва ҳосилининг товр сифати уларни экиш калинлиги ҳамда ўстириш усулларига ҳам боғлиқ. Кучли ўсувчи ҳисобланган хўраки навлар қатор оралари 3 метр, қатордаги туплар ораси 2,5-3 метрдан кам бўлмаган ҳолда экилиши лозим. Акс ҳолда тупларнинг калинлашиб кетиши оқибатида ҳосилдорлик ва унинг сифати пасаяди. Тик симбағаз, соябонли симбағаз, хиёбон ҳосил қилувчи сўриларда кўп “қулай” ёпинғичсимон, шунингдек, баланд танали шаклда ўстирилган ток тупларидаузум бошлари ва ғужумлари йирик бўлади.

Кишмиш навларни етиштиришда хомток, ҳосилли новдалар учини чилпишнинг аҳамияти катта. Ҳосилнинг товар сифати, транспортбоплиги, қишда яхши сақланиши уларнинг вақтида, сифатли ўтказилишига боғлиқ.

Ток тупларининг ўз вақтида, белгиланган миқдорда суғориш, органик ва минерал ўғитлар билан ўғитлаш узум ҳосили ва унинг сифатини оширишда (узум бошлири катта, кўркам ширадор бўлади).

Керагидан кўпроқ айниқса, ҳосил теришдан олдин суғориш эса, унинг сифатини бузади, ғужумлар серсув, кам шира бўлиб, яхши сақланмайди. Шунинг учун суғоришни узум теришдан камида 15-20 кун олдин тўхтатиш лозим.

Ўсув даврида, азотли ўғитларни керагидан кўпроқ солиш новдаларнинг ғовлаб ўсишига, яхши пишмаслигига, касалликларга тез чалинишига, совуққа шунингдек, ҳосилни транспортда ташишга, қишда сақлашга чидамсиз бўлишига сабаб бўлади.

Транспортда узоқ жойларга юборишга мўлжалланган узумлар физиологик пишиқлик (ҳали тўлиқ пишиб етилмаган) даврда, қишда

сақлашга мўлжалланганлари эса тўлиқ пишиқлик даврида терилади. (Рибоков А.А., Горбач В.И. Т.Т. 1968).

3. Кишмишбоп узум навларини қисқача тавсифи

Оқ кишмиш навини япроқларини чети юқорига қайрилган барглари бўлади. Узум бошлари ўртача катталиқда (225-г) цилиндрсимон, қанотчали майда, овалсимон шаклда, сарғиш яшил ёки сариқ қалин мумсимон ғуборли, серет серсув қарсиллайдиган, пўсти юпқа бўлади. Уруғсиз нав, баъзан ривожланиб етмаган пуч урағли ғужумлар учрайди. Август ойини охирида тўлиқ пишиб етилади. Тупи кучли зсади, ҳосил берадиган кўп қўлтиқ новдалар чиқаради. Нисбатан қурғоқчиликга чидамли, совуқга чидамсиз, қандлилиги 25-26 фоиз, кислоталилиги 4-4,5 л/г бўлади. Юқори сифатли маҳсулот (кишмиш) тайёрлаш учун ва хўраки нав сифатида ишлатилади.

Қора кишмиш. Ғужуми уруғсиз, кенг тарқалган нав, баргини юқори юзаси майин, ҳар бир япроғини чети юқорига қайрилган. Узум бошлари конуссимон баъзан қанотчали, ўртача тиғиз ва сийрак вазни 180 г дан 250-300 гача бўлади. Ғужумлари овалсимон ёки тухумсимон шаклда бўлади. Серет серсув биров қарсиллайдиган оддий таъмли августни ярмида пишади. Тупи кучли ўсади, ҳосилдорлиги юқори бўлади. Ҳосил берадиган кўп қўлтиқ новдалар чиқаради. Совуқга чидамсиз, нисбатан қурғоқчиликга чидамли. Ондиум билан заҳарланади. Пишганда ғужумларини қандлилиги 20-24 фоиз, кислоталиги 4,5-5,5 к/л га етади. Сифатли майиз (кишмиш) тайёрланади ва янгилигича ейилади.

Аскар. Бу узум нави уруғсиз бўлиб, хўраки ва майизбоп ўртапишар нав, узум боши ўртача катталиқда, конс ёки улиндрасимон, ҳавол ёки ўртача тиғизликда ғужумлари тухумсимон, оқиш ёки оч яшил, пўстли тиниқ. Август ойларида пишади. Ҳосилдорлиги гектарига 9-11 тонна.

ВИР кишмиши. Бу нав ўсимликшунослик институтининг Ўрта-Осиё тажриба станциясида бабара ва қора кишмиш навларини чатиштириб

етиштирилан дурагай уруғдан олинган янги уруғсиз нав бўлиб, юқори агротехника асосида парвариш қилинган. Барги йирик, раги тўқ яшил. Пўсти юпка этдор сершира, уруғи йўқ, баъзилари. Аскарини навидагидек бошланғич ҳолида бўлади. Бир кимиши ўртапишар нав бўлиб, вегетация даври 123-кунга боради. Асосий вегетация давлари қуйдаги муддатларда бўлади. 15-апрелда куртак ёзади, 27 майда гуллади, 10-июлда пишади, августни ўрталарида етилади. Гектаридан 20-25 тонна узум олинади. Ҳосилни узиш пайтида ғужумида 22,8 фоиз қанд, 5,1 кислота бўлади. Бу янгича истеъмол қилинади ва ундан майиз тайёрланади. Қуритилган майиз йирик ва ширин бўлади.

Зарафшон кишимиши. Бу янги юқори ҳосилдорликка эга бўлган янги уруғсиз кишимиш йўналишидаги нав. Бу нав гредер институтининг Самарқанд филиалида Каттакўрғон ва Бедона навларини ўзаро частиштириши натижасида яратилган. Барглари кичик катта юмалоқсимон 5-қиррали, бир шингилини ўртача узунлиги 20 см кенглиги 14 см, оғирлиги ўртача 350-400 гр, цилиндрсимон ўртача ҳосилга эга аввалсимон шаклда, яшилроқ ёки тўлиқ пишганда сариқ рангда бўлад. Устки териси юпка жуда ёқимли ширин, узум ичида баъзида юмшоқ уруғлар учрайди ва ейиш учун зарар эмас. Ўртача пишувчан навларга киради. Самарқанд шароитида эса сентябрни, биринчи 10-кунлигида янги ҳолда пишади. Ишлаб чиқариш учун ва қуритиш учун сентябрни ўрталарида узилади. Вегетация даври 165-кун давом этади. Ўрта ҳосилдорлиги 140-150 центнер, гектарига уруғланиш коэффicientsи 04. Қурғоқчиликка чидамли, шунинг учун яхши шароит Ўзбекистоннинг жанубий шарқий райўнларига яхши мослашади.

Узум узиш вақтидан то қуритиш вақтигача қанддорлиги 20-24 фоизни кислоталиги 4,-4,5 гр литрга тўғри келади. Асосий бунавни уруғсизлиги, узум донаторлиги катталиги, ва юқорисифатлилиги билан бошқа навлардан ажралиб туради.

Иртишар кишимиш. Бу нави меваси катта уруғсиз бўлиб ҳўракибоп ва майиз учун кенг қўлланилади. Р.Р.Шредер илмий тадқиқот институтининг

Самарқанд Филиалида Нимранг ва Қора кишмиш навларини чатиштириш йўли билан олинган. Ёш барглари қизғиш рангда, кейингилари очлашиб боради. Барги ўртача узунликда юмалоқлашган узунчоқ шаклда, 5 қиррали тўқ қўнғир рангда.

Самарқанд шароитида истеъмол қилиш учун бу нав сентябрни ойини биринчи ўн кунлигида терилади, қайта ишлаш учун бу нав сентябр ойини иккинчи ўн кунлигида узиб олинади. Новдаларни ёзиши кўп йиллик кузатишлар натижасида апрел ойини биринчи ўн кунлигида бошланади. Ўртача ҳосилдорлик гектарига 150-160 центнерга, мева бериш коэффicientsи 0,033-0,035, ҳосил бериш коэффicientsи 1,2. Қуритилган маҳсулот чиқиши 23, 9-24 фоиз. Кўп ҳосилдорлиги ва уруғсизлиги экишга бўлган талабни оширади.

Пушти кишмиши. Бу нав арманистондан келтирилган бўлиб, узум бошлари катта цилиндрсимон, қанотчали, тиғиз ёки ўртача тиғиз, узум бошларини 300гр, айрим узум бошларини вазни 1,5кг етади. Ғужуми ўртача авалсимон ёки тухумсимон шаклда бўлади. Серет серсув бироз қарсиллайдиган оддий таъмли августни ярмида пишади.

24,5-27 фоиз, кислоталилиги 5,2-6,4 л/г бўлади. Майиз солинади ва хўраки нав сифатида ишлатилади.

Кишмиш хишрау. Бу янги йирик ғужумли хўраки майизбоп нав. Р.Р.Шердер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик ва узумчилик институтининг Самарқанд филиалида нимранг ва қора кишмиш навларини чатиштириш натижасидан олинган. Барги катта (диаметри 18-20 см), шакли ўртача катталикда бош бўлакчали. Ғужумлари анча йирик (бўйи 19,5 мм, эни 15,5 мм), овал шаклида, оқиш қахрабо рангда, этдор пўсти қаттиқ. Ғужумида еганда билинмайдиган бошланғич уруғлари бўлади.

Хишрау кишмиши. Августни иккинчи ярмида пишади. Янгилигида ейиш учун 18-22 августда қуритиш учун августни охирида узилади. Вегетация даври 140 кун, тупи кучли ўсади, навлари ўсиш даврини

охиригача ҳаммаси пишади. Муттасил ҳосил беради гектаридан 13-тонна узум олинади. Узум бошини вазни 220 г бўлади, ондум касалигидан ўртча зарарлинади. Ҳосилини узиш пайтида ширасида қанд моддаси 25-26 фоиз, кислоталиги 4,6 фоиз бўлади. Бу нав асосан таркибидаги 92-94 фоиз қанд моддаси бўлган юқори сифатли майиз тайёрлашга кетади. Қуритилганда 25-27 фоиз миқдорда майиз чиқади.

ХУЛОСА

1. Узумни кишмиши навларини етиштиришда унинг биологик хусусиятлари ва етиштириш технологияларини тўғри ташкил этиш муҳимдир.

2. Узумни кишмишбоп навларидан оқ кишмиш, қора кишмиш, ботир кишмиш, пушти кишмиш, хишроқ кишмишлари каби навлар стандартга киритилган.

3. Узумни қуритишда хомашёни талабга жавоб беришни назорат қилиш керак.

4. Узумни қуритишда энг яхши замонавий қуритиш усулларида фойдаланиб кишмиш майиз тайёрлаш зарурдир.

5. Қуритилган маҳсулотларни қадоқлаш янги замонавий идиш турларидан фойдаланиш.

6. Қуритилган кишмиш маҳсулотларини сақлашни тўғри ташкил этиш ва омборларга жойлаш ишларини тўғри белгилаш зарурдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохатларини чуқурлаштириш йўлида” Тошкент., “Ўзбекистон” -1999.
2. Каримов И.А. “Қишлоқ хўжалиги тараққиёти тўқин ҳаёт манбаи” Тошкент., “Ўзбекистон” -1998
3. Арикушкина Л.В. “Составная истатистике виноградно виндельческого соктора ва мире” В 1994 года. Виноград и вино России. 1996 № 6.
4. Арутюнян А.С. Удобрение виноградничесов Москва “Колос” 1993.
5. Ампелография Узбекистана коллек. Авторев, Ташкент 1984.
6. Бўриев Х.Ч., Ризаев М. “Мева узум махсулотлари биокимёси ва технологияси”. Тошкент. “Меҳнат” 1996.
7. Бўриев Х.Ч., Жўраев Р.Ж., Алимов О.А. “Мева сабзавотларни сақлаш в уларга дастлабки ишлов бериш” Тошкент. 2002.
8. Джовокоянц Ю., Борбач В. “Виноград Узбекистана”. Издательство “Шарқ”. Ташкент. 2001.
9. Коробкина З.В., Конорова А.И. “Перевозка и хранения винограда”. М. “Экономика” 1977.
10. Куксенко В.П. “Перспективы кишмишного виноградарства В Самаркандской область. Ж.Садоводство и виноградарство № 10.